

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУТДИНОВА МАДИНАБОНУ ЧОРИЕВНА

**МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИЯ ШАРОИТИДА
МУЛЬТИМЕДИАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКА**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Нурутдинова Мадинабону Чориевна Медиаконвергенция шароитида мультимедиавий журналистика.....	3
Нурутдинова Мадинабону Чориевна Мультимедийная журналистика в аспекте медиаконвергенции.....	25
Nurutdinova Madinabonu Choriyevna Multimedia Journalism in Media Convergence.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати..... Список опубликованных работ List of published works	51

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУТДИНОВА МАДИНАБОНУ ЧОРИЕВНА

**МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИЯ ШАРОИТИДА МУЛЬТИМЕДИАВИЙ
ЖУРНАЛИСТИКА**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.1.PhD/Fil765 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzjoku.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тешабаева Дилфуза Муминовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Худойқулов Мухтар**
филология фанлари доктори

Ҳасанов Бахтиёр Мадаминвич
Сиёсий фанлар номзоди

Етакчи ташкилот: **Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: journalism.univer@gmail.com.)

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Мўминов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Н.Ф.Муратова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди, доцент

Қ.Т.Ирназаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фан ва технологиялар таракқиёти натижасида электрон ҳисоблаш технологиялари, инфокоммуникацион воситалар, нано ва робот техникаси, микроэлектроника, 3-4-5 G (generation- 3-4-5 янги авлод технологиялари) йўналиши, “smart” – ақлли дастурлари, квант компьютерлари, 3 D (dimensional) ўлчов бирлиги каби йирик ихтиролар юзага келди. Бу жараён турли соҳалар, жумладан, журналистика соҳасида ҳам янги мультимедиавий журналистика, робот журналистика, дрон журналистика, тармоқ журналистикаси каби янги йўналишларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Коммуникацион платформа таркибидаги ОАВнинг конвергенцияси ва трансформацияси, онлайн журналистика йўналишлари, жанрлар тури, интеграцияси, медиа журналистика компетенцияси, аудиторияни жалб этиш усуллари ва психологик омиллари, контент таҳлил ва медиаметрия масалаларини ўрганиш журналистиканинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Дунё олимлари томонидан оммавий ахборот воситаларининг онлайн форматини йўлга қўйиш масаласи тезкор ҳал этилмоқда. Шу маънода онлайн журналистика сифатини тубдан янгилаш, унинг контентини такомиллаштириш мақсадида, аудитория психологияси, омманинг ахборотга бўлган қизиқишлари ва кузатувлари чуқур ўрганилмоқда. Ривожланган мамлакатлар журналистикаси нафақат анъанавий, балки интернет тармоғидаги онлайн шакли, мультимедиавий формати ҳисобига жадал ривожланди. Халқаро амалиётда тармоқ журналистикаси ўз эътиборини контентнинг қизиқарли ва визуал жиҳатдан мультимедиавий рангба-ранг бўлишига муҳим эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимиз ахборот бозорига хорижий электрон нашрлар орқали тақдим этилаётган янгиликлар оқимиغا миллий мафкурамиз йўғрилган ғоявий ахборотлар билан муносабат билдириш ва ўқувчиларга тўғри маълумотларни етказиш бош вазифага айланди. Онлайн журналистикада медиакомпетенцияси мультимедиавий жанрларнинг интегратив хусусиялари, интернет контентини– медиаметрия қилиш масалалари ҳамда ОАВ трансформация натижаларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонидаги 1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш бандига кўра “Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини химоя қилиш”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 625-сон Қарори, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.12.2007 й.даги 259-сонли қарорига 1-илова) ва шу каби фаолиятга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

вазифалар, қолаверса, жорий 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш”да халқаро ахборот коммуникация технологияларини кўллаб-қувватлаш, журналистика илмий изланишлар кўлами ҳамда кўрсаткичини янада оширишга кенг имкониятлар яратади ва ушбу диссертация журналистика соҳасида онлайн нашрлар фаолияти, рақамли инфокоммуникацион ахборотларни такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интернетнинг ОАВга таъсири натижасида вужудга келган янги тармоқ журналистикаси бир қатор хорижий ҳамда юртимиз олимлари томонидан турли даражада ўрганилган. Интернет кўпроқ коммуникатив мулоқот воситаси, технологик ривожланиш омили ҳамда ахборот манбаи сифатида ўрганилган қатор хорижий тадқиқот ишлари жумласига: М. Кастельс, Э. Тоффлер, З. Бжезинский, С. Машкова, А. Калмиков, М. Маклюэн, Э. Олешко, А. Амзин, И. Кирия, А. Галустян, Я. Засурский, А. Качкаева, Тим Дьюер, Д. Кэмпбел, И. Аугуст, Е. Барановаларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин¹.

Интернет тарихи, онлайн журналистика анъанавий ОАВга бўлган таъбири глобал шароитдаги янги технологиялари, Ўзбекистон онлайн нашрларининг ўзига хослиги ҳамда глобал иқтисодий ахборот бозори шароитидаги вазифалари, ижтимоий тармоқдаги янги нашрлар тенденцияси, интерактив матбуот турларининг ўзига хослигига доир масалалар бўйича – М. Худойкулов, Ш. Қудратхўжаев, А. Нурматов, Н. Қосимова, Н. Муратова, Ф. Мўминов, А. Матякубов, Д. Рашидова, Г. Алимова, Ё. Мамадова, Х.

¹ Кастельс Э. Галактика Интернет.–Екатеринбург.: Издательство “У-Фактория”, 2004; Тоффлер Э. Третья волна. –М.: "Фирма Издательство "АСТ", 2004; Бжезинский З. Между двумя веками. 1972; Машкова С. Интернет-журналистика: учебное пособие.–Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2006; Калмыков А., Коханова Л. Интернет-журналистика. Учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Журналистика». –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005; Маклюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. –М.: Канон-пресс, 2003; Олешко Е. М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. фед. ун-т. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2015; Амзин А. Как новые медиа изменили журналистику. 2016; –Екатеринбург: Гуманитарный университет, 2016; Кирия И. Что такое мультимедиа? Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные. –Москва., 2010; Галустян А. Мультимедийные лонгриды как новый формат онлайн -журналистики. –Екатеринбург, 2016; Засурский И. И. Интернет и интерактивные электронные медиа. –М., 2007; Качкаева А. Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные. –М.: Аспект Пресс, 2010; Campbell D. Visual Storytelling in the Age of Post-Industrial Journalism. 2013; Tim Dwyer, McGraw-Hill Education, Maidenhead. New York: McGraw Hill/ Open University Press, 2010; August E. Grant Jeffrey S. Wilkinson. Understanding Media Convergence. Pub. 2011; Баранова Е. Конвергентная журналистика. Теория и практика. Учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. –М.: Юрайт, 2014.

Дўстмухаммад, Ф. Мўминова, С. Дониёровлар² илмий изланиш олиб боришган.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотларда асосан анъанавий ҳамда онлайн журналистиканинг умумий хусусиятлари, тарихи, касб одоби, ижтимоий тармоқлар фаолияти тенденциялари ўрганилган. Санаб ўтилган тадқиқотлар ва шу сингари бошқа манбаларда медиаконвергенция шароитида мультимедиавий журналистика муаммолари алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган, яхлит шаклда таққослаб таҳлил қилинмаган. Айнан онлайн журналистиканинг медиакомпетенцияси, интернет контенти ребрендинг усуллари – медиаметрия масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Қолаверса, мультимедиавий жанр турлари ва уларнинг концептуал таснифи тизимли равишда таҳлил қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабаларнинг илмий-ижодий ишлари” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – медиаконвергенция шароитида мультимедиавий журналистиканинг хусусиятлари, концептуал таснифи, муаммоларини Ўзбекистон ва хорижий янгилик сайтлари мисолида қиёсий жиҳатдан ёритиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

глобаллашув шароитида медиаконвергенция натижасида юзага келадиган ОАВ трансформация натижаларини тадқиқ этиш;

конвергенциянинг назарий асослари ва онлайн журналистика йўналишлари ўрганилиб, фаолиятини такомиллаштириш усуллари аниқлаш; журналистик материалларда вербал, визуал, аудио форматлар бирлашувидаги жанрларнинг конвергенциялашув даражасини таҳлил қилиш;

² Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. –Тошкент: “Тафаккур” 2010; Қудратхўжаев Ш. Интернет тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2011; Қудратхўжаев Ш. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. –Т.: Ўзбекистон, 2011; Нурматов А., Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. Тошкент: “Bayoz” 2013; Қосимова Н. Онлайн журналистика. Дарслик. –Тошкент, 2019; Муратова Н. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка. Автореф. дисс. канд. филол. н. – Т.: НУУз, 2011; Интернет журналистика. Илмий мақолалар тўплами // Масъул муҳаррир Ф. Мўминов. – Т.: MRS-Tashkent, 2005; Матякубов А. Влияние интернет журналистики на преобразование средств массовой информации. Дисс. –Т.; 2003; Рашидова Д., Н.Муратова. Интернет журналистика. –Т., 2007; Алимова Г. Социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши, фаолият тенденциялари ва хусусиятлари. Автореф. –Тошкент 2018; Мамадова Я. Суриштирув журналистикаси: глобал ва миллий тажриба. –Т.: “Extremum-press” 2018; Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Муминова Ф. Роль СМИ в развитии межкультурных связей. URL: <http://www.journal.fledu.uz>; Дониёров С. Особенности развития газетных редакций в условиях медиаконвергенции. Автореф. Дисс. Т. – 2019.

мультимедиавий жанрлар орқали ахборотнинг таъсири ва кўлами ўрганилиб, уларнинг интегратив хусусиятларини таснифлаш;

глобаллашув натижасида юзага келган конвергент тахририятда фаолият олиб боровчи универсал журналист ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва транспрофессионализм шартларини далиллаш;

медиаконвергент тахририят ахборотининг аудиторияга таъсирини ўрганиш ва уларни психологик жалб этувчи омилларини баҳолаш;

интернет журналисти ижодини такомиллаштиришда контент таҳлилни амалга ошириш ҳамда медиаметрия масалаларининг афзалликлари ва истиқболларини белгилаш;

конвергенция шароитида мультимедиавий журналистикани ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон (kun.uz, xabar.uz, daryo.uz) ва хорижий (rianovosty.ru, the times.com, cnn.com) ахборот сайтларининг конвергенция жараёнидаги фаолияти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети мультимедиавий жанр турлари, хусусиятлари, конвергенция жараёнида ахборот жанрларининг интеграцияси, аудиторияни жалб этиш усуллари ва психологик омиллари, медиаконтентнинг медиаметрик асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, илмий-назарий, мантикий-экспериментал, статистик, медиатаҳлил, социологик ва журналистик кузатув усулларидан, суҳбат, интервью, анкета сўровларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОАВ медиаконвергенциясидан ҳосил бўлган трансформация ва интеграция натижалари аниқланган.

анъанавий ҳамда интернет журналисти ижодининг конвергенция шароитида фаолият олиб бориш усуллари кенгайиб, универсалликдан транспрофессионалликка ўтиши асосланган;

сайт контентини мультимедиавий жанрлар билан бойитиш орқали таркибни такомиллаштиришдаги самарадор усуллар асосланган;

онлайн нашрларда мультимедиавий контент самарадорлигини ошириш натижасида аудиторияни жалб этишнинг ижтимоий-психологик омиллари очиқ берилган;

Ўзбекистон ва хорижий ахборот сайтлари контент таркибида қўлланилган ахборот (мультимедиавий жанр турлари, мавзу, йўналиши, назарий-амалий аҳамияти, тармоқ рейтинги, материаллар мазмуни, аудитория мезонларини аниқланаш)ни етказиш ҳамда унинг аудитория томонидан қабул қилиниш жараёнида таҳлил модели сифатида хизмат қила оладиган медиаметрик таҳлил намунасини қўллаш тамойиллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

медиаконвергенциянинг назарий асослари ва ривожланиш тенденциялари, йўналишлари, синергетик ёндашув хусусиятлари ўрганилган;

хорижий ҳамда республика онлайн нашрлар фаолияти типологик аспектда қиёсий ўрганилган;

онлайн журналистикада жанрлар интеграцияси, мультимедиавий жанр турлари ва уларнинг концептуал таснифи ўрганилиб, қўллаш амалиёти бўйича таклифлар берилган;

онлайн журналист фаолияти, компетенцияси таҳлил қилиниб, универсаллик ҳамда транспрофессионаллик хусусиятларининг ўзига хослиги кўрсатиб ўтилган;

онлайн нашрлар аудиторияси ўрганилиб, психологик жалб этишга доир таклиф-тавсиялар берилган;

ахборот сайтлари фаолияти таҳлил қилиниб, контенти такомиллаштириш бўйича медиаметрия ўрганиш усули таклиф қилинган.

2018-2019 йилларда республика ижодкорлари учун Ўзбекистон журналистларининг ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган онлайн журналистикага бағишланган бир қатор анжуман ва семинарлар, маърузаларда материал сифатида ишлатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ривожланган хорижий мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Европа, Россия ҳамда МДХ давлатлари олимлари эълон қилган илмий изланишлар, тадқиқот ишлари, кенг жамоатчилик ва илмий жамоа томонидан тан олинган таниқли асарларни назарий ҳамда методологик асос бўлиб хизмат қилганлиги, таҳлил жараёнида мантиқан асосланган (анализ, синтез, қиёслаш), мониторинг усуллари, жадвал-ҳисобот шаклидаги, сўровнома усуллари асосида чиқарилган назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти таҳлиллар асосида чиқарилган хулосаларнинг онлайн нашрлар фаолият тенденциялари, журналист медиакомпетенцияси масалалари, сайтлар контентини такомиллаштиришдаги назарий ва амалий асосларни тўлдиради; онлайн нашрларда мультимедиавий жанрларни қўллаш ва аудиторияни жалб этиш бўйича берилган таклифлар амалда мавжуд қарашларни такомиллаштириши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юртлари талабаларига журналистика, интернет журналистикаси фаолияти ва жанрлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш, амалиётчи журналистлар учун услубий қўлланма, тавсияномалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ўтишда янги ва кам ўрганилган услубий ва назарий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Медиаконвергенция шароитида мультимедиавий журналистика тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

интернет майдонидаги мультимедиавий журналистиканинг фаолият тенденциялари, мультимедиавий жанрлар интеграцияси, аудиториянинг психологик омиллари ҳамда медиаметрия масалалари бўйича олинган натижалардан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги

“Дунё” ахборот агентлиги сайтида (www.jahonnews.uz) ахборот тақдим этиш, янгиликларни узатишдаги мультимедиавий жанрлардан фойдаланиш, аудиторияни жалб этишнинг ижобий ҳамда самарали усуллари ва психологик омиллари каби илмий изланишлар юзасидан олинган илмий хулосалари ва таклифларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги “Дунё” ахборот агентлигининг 2019 йил 14 ноябридаги 375/ 19-маълумотнома). Натижада, маълумотларни мультимедиавий узатиш усуллари кенгайгайиб, веб сайтнинг ахборот тақдим этишдаги фаолияти такомиллашган.

Контентни таҳлиллаш ва медиаматериаллар тайёрлаш усуллари, янгиликлар узатишдаги мультимедиавий жанрлардан фойдаланиш, аудиторияни жалб этишнинг самарали усуллари ва психологик омиллари каби илмий изланишларидан олинган хулосалар ва амалий ишларидан ЎЗА веб-сайти ахборот таҳририятида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги 2019 йил 4-ноябрдаги 01-23/ 1138-сонли маълумотнома). Натижада, янгиликлар узатишдаги самарали усуллардан фойдаланиш йўлга қўйилган;

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси веб-сайти фаолиятида, уюшма томонидан ўтказиладиган назарий ва амалий анжуманлар, семинарлар, айниқса, интернет журналистикаси ходимлари учун бир неча бор ташкил қилинган медиа-тренингларда ахборот тақдим этиш, интернет журналистикасидаги янги жанрлар, тушунчалар, йўналишлар, янгиликлар узатишдаги мультимедиавий жанрлардан фойдаланиш каби илмий изланишлар юзасидан олинган хулосаларга мурожаат қилинган (Журналистлар ижодий уюшмасининг 2019 йил 6 ноябрдаги 15/ 438-сонли маълумотнома). Натижада, мазкур илмий хулосалар соҳа ходимларининг касбий маҳоратини ошириш ва мобил журналист сифатида фаолият юритишига ёрдам берган;

Ўзбекистонда фаолият юритаётган веб-сайтларнинг умумий фаолияти таҳлил қилиниб, шу асосда онлайн журналистика медиа компетенциясини шакллантириш, интернет медиа контентини медиаметрия қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар таклифлар ва хулосалардан “Human.uz” ахборот сайти фаолиятини такомиллаштиришда кенг қўлланилган (“Human Media” масъулияти чекланган жамиятининг 2019 йил 10 декабрдаги 86-маълумотнома). Натижада, сайт ходимларининг интернет журналистикасининг ўзига хос хусусиятларини янада кенгрок ўзлаштиришга ва касбий маҳоратни оширишга ёрдам берган;

шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалда узатилган қатор кўрсатувлар, жумладан, “Тақдимот”, “Мавзу” телекўрсатувларида тадқиқотда илгари сурилган илмий-назарий фикрлардан сценарийлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 14 ноябрдаги 02-40-2350-сонли маълумотнома). Натижада, интернетда ахборотнинг аудиторияга психологик таъсири, салбий оқибатлари борасида таклиф ва тавсиялар тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 13 та, жумладан, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, 4 та республика ва 5 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илоадан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 149 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Медиаконвергенция: асосий тушунчалар ва йўналишлар”** номли биринчи бобида медиаконвергенциянинг тарихи, назарий асослари, конвергенция шароитидаги ОАВ трансформацияси ва онлайн журналистика йўналишлари ҳақида фикр юритилади.

Онлайн журналистикада турли жанрлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг интеграллашуви фанда уларнинг қоришиб кетиши, яъни конвергенциясини келтириб чиқарди. Конвергенция (лот. *convergere* – “яқинлашиш”, “бирикиб кетиш”) – ахборот-коммуникация технологияларининг ягона маълумотлар ресурси интеграцияси ёки умумий таркибга бирлашишидир³. Кембриж луғатида конвергенция атамасининг таржимаси “converge” – “бир нуктада тўқнашув”, “бир томонга йўналиш”, “яқинлашиш, қўшилиш” деб берилган⁴.

Профессор Борис Лозовскийнинг “Журналистика ва оммавий ахборот” – номли луғатида: “...медиа турли хил маълумотларни узатишнинг энг замонавий магистрал усули” деб изоҳлайди⁵. Е. Баранованинг фикрича, “...конвергенциянинг дастлабки кўринишларидан бири– бу анъанавий

³ Олешко Е. Конвергентная журналистика: профессиональная культура субъектов информационной деятельности: учеб. Пособие.; М-во образования и науки, Урал. федер. ун-т. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2015. – С. 128.

⁴ URL: <http://www.dictionary.cambridge.org/ru>

⁵ Лозовский Б. Журналистика и средства массовой информации: крат. словарь. — Изд. 2-е, испр. и доп. – Екатеринбург: Урал. гос. ун-т, 2007. –С. 306.

ахборотнинг барча воситалари ягона рақамли шаклда, яъни компьютернинг электрон платформаси ва халқаро тармоқдаги фаолияти – медиаконвергенция ёки медиаморфозис деб аталади”⁶. Бошқа турли манбаларда ҳам мазкур терминнинг вазифаси, хусусиятларига шунга яқин изоҳлар берилган.

Конвергенциянинг журналистикага тадқиқ этилишида коммуникацион алоқаларнинг яхшиланиши, интернетнинг омма орасида жорий этилиши, онлайн ижтимоий мулоқот каби омиллар самарали таъсир кўрсатди. Хорижий оммавий ахборот воситалари онлайн тармоқ имкониятларидан самарали фойдаланиб, мазкур жараёнда ўзининг конвергент форматини ишлаб чиқиб барқарор фаолиятини йўлга қўймоқда.

В. Хельмендикнинг тадқиқотларида ОАВ вазифаларини мувофиқлаштиришда конвергенциянинг қуйидаги принциплари белгилаб берилган: ҳар бир ОАВнинг ўзига хослиги; ахборот мазмунини тизимли таҳрир қилиш; коммуникацион воситалардаги функционал ўзаро боғлиқлик; нашр, радио ва телевидение вазифаларининг умумийлиги⁷ шулар жумласидан.

Конвергенциянинг медиа соҳасида жорий қилиниши– глобаллашув шароитида рақобатбардошликни ошириш натижасида юзага келган бўлиб, ОАВнинг трансформацион фаолияти, жанрлар ва форматлар интеграциясини келтириб чиқарди. Унинг ривожини бошқа қатор соҳалар, жумладан, биология, этнография, тилшунослик, математика каби йўналишларда ҳам мавжуд. Журналистикада конвергенция ҳолати кўпроқ турли ахборот воситалари, жанр, шакл ва дастур бирикуви натижасидаги мукамал матн яратиш жараёни билан бевосита боғлиқ.

ОАВнинг трансформацияси медиа саноатдаги технологик ютуқлар билан бевосита боғлиқ; ушбу жараён 1980 йиллар оралиғида ривож топди⁸. Йирик газета концернлари телевизион компанияларни, ноширлар овоз ёзиш студияларини, телефон компаниялари сунъий йўлдош ҳамда кабель алоқа воситасини сотиб ола бошлади. Ушбу жараёндаги энг йирик трансформация ахборот воситалари формат ҳамда дастурларининг ўзаро қўшилиб кетишида (масалан, радиосериаллар, ТВ онлайн ток-шоуларида) намоён бўлди. Онлайн журналистиканинг трансформацияси босқичма- босқич ривожланиш майдони аспектлари қуйидаги турларни ўз ичига олади: конвергент таҳририят трансформацияси; интеграциялашган таҳририят трансформацияси; кросс-медиа ОАВ таҳририяти.

Янги журналистик ахборот ишлаб чиқариш ва аудитория эътиборини қозониш мақсадида юқори технологияли ньюсрумлар яратилди; медиа-муассасаларнинг конверсион ҳолати; бир асарда вербал, визуал, аудио форматларнинг бирлашуви; кроудсорсинг хизмати; журналистик

⁶ Баранова Е. Конвергентная журналистика. Теория и практика. Учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. –М.: Юрайт, 2014. –С. 269.

⁷ Хельмендик В. Некоторые проблемы взаимодействия СМИ. Ретроспективный взгляд / В. С. Хельмендик // Отечественное телевидение: традиции и новаторство. Ч. 3. – М.: ИПК ТВ и РВ, 2006. С. 185.

⁸ А. Качкаевой. Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные. – М., 2010. –С. 200.

материалларда жанрларнинг конвергент ва дивергент ҳолати намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, бобда онлайн журналистиканинг трансформация ҳолати ва интеграцияси алоҳида ўрганилган.

Тадқиқотда онлайн нашрларнинг умумий тенденцияси ва янги босқич йўналишларининг таснифи келтирилди: 1. Интерактивлик (инглизчадан *interaction* – ўзаро фаоллик маъносини англатади) У ахборот назарияси, информатика, ахборот технологиялари, телекоммуникация, социология, дизайн, дастурлар, таълим, сиёсий соҳаларда кенг қўлланилади. 2. Ребрендинг усуллари. Бу ахборотни тақдим қилувчи восита брендини янгилаш, мунтазам такомиллаштиришни назарда тутди. Яъни номи, логотипи, шиори, визуал дизайни, жанрлари, ахборот тақдим этиш усуллари каби таркибий қисмлари ўзгартирилади. 3. Гиперматн (*hyperlink-HTML*) хусусияти. Тармоқнинг кўп ўлчовли формат, дастур, мультимедиа бирликлари матнни ҳар томонлама бойитиш, ахборот таркибини такомиллаштиришда кенг фойдаланилади. 4. Онлайн мулоқот. Тармоқнинг яна бир ўзига хос йўналиши бу икки томонлама ахборотлар (горизонтал-вертикал) билан тўлдирилиб, доимий коммуникативлик хусусиятининг самарали ривожлантирилишидир. 5. Тизимловчи дастурлар таъминоти. Сайтга ахборот жойлаштирилгач, махсус экспедитор дастурлари ушбу онлайн нашр маълумотларини турли веб-сайтларга жойлаштириш, кидирув тизимларига кўшиш, мобил алоқа шаклига мослаштириш, ижтимоий тармоқларда ҳаволалар қолдириш. 6. Кроудсорсинг. Медиаконтентни бойитишнинг янги усули бўлиб, (инглизча *crowdsourcing*, *crowd* – “омма” ва *sourcing* – “ресурсидан фойдаланиш”) ахборотни қисқа вақт ичида қайта ишлаб аудиторияга узатиш амалиёти назарда тутилади.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, журналистик амалиётда ОАВнинг конвергент ҳолатида фаолият олиб бориши, унинг юқори даражадаги тизимдан фойдаланиш миллий онлайн журналистикамиз такомиллашувида муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Онлайн журналистикада жанрлар интеграцияси ва трансформацияси”** деб номланган иккинчи боби жанрлар интеграциясининг онлайн журналистикада намоён бўлишининг Ўзбекистон (*kun.uz*, *daryo.uz*, *xabar.uz*) ва хорижий сайтлар (*rianovosty.ru*, *the times.com*, *cnn.com*) материаллари мисолидаги қиёсий таҳлили, уларни такомиллаштирувчи таклифлар, шунингдек, мультимедиавий жанрларнинг концептуал таснифига бағишланган.

Онлайн контент анъанавий матн шаклидаги маълумотни турли ахборот технология дастурлари билан бойитишга муваффақ бўлди. Глобал тармоқнинг янги технологик дигиталлашув имкониятлари – жумладан дастурлар, форматлар ва турли мультимедиавий жанрлари ахборотни визуаллаштириб, маълумотларни қабул қилиш имкониятларини кенгайтди. Мультимедиавийлик хусусиятига кўра, интернетда қўлланиладиган жанрлар ахборотни узатишнинг барча – аудио, визуал, кинетик омилларини (вербал, график, овоз, фотосурат, матн, видео, анимация шулар жумласидан) ўзида мужассам этиб, турли элементлар комплексида тақдим этиш ва истеъмолчига тушунарли тарзида етказиб беришни қамраб олади. Мультимедиавий

технологиялардан аслида, бошқа ОАВ турларида ҳам кенг фойдаланилади, бунга радио интерактив эшиттиришлари, телевиденидаги ток-шоу ва бошқа жонли кўрсатувлар, матбуотнинг ўқувчи билан ўзаро хат алмашишини мисол қилиш мумкин.

Тартибли мультимедиа ҳикояларида мавзунинг муқаддима ва интиҳо нуқталари мавжуд бўлиб, воқелик узвий кетма-кетликда ҳавола қилинади ҳамда матнга доир барча хариталар, схема-жадваллар, расмлар, блогларга тегишли ҳаволалари, инфографика белгилари тақдим этилади. Тартибсиз ҳикоя эса хотимасиз яқунланиши ҳам мумкин. Интернет журналистлари томонидан мультимедиавий ҳикоя, гиперматнларни тузишда энг кўп қўлланилаётган асосий жанрларга лонгрид, инфографика, сторимэпс ва таймлайн, твиттер репортажларни мисол қилиш мумкин. Тармоқдаги мультимедиавий жанрлар камрови, хусусияти, матн таркибига кўра: тасвирий, синтетик, аудио, видео жанрлар комплексига бўлинади. Ишимизда ушбу жанрлар тарихи, таснифи, илмий-назарий асослари тўлиқ ёритилган.

Ушбу бобда тармоқ фойдаланувчилари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кенг қўлланилаётган оммабоп мультимедиавий жанрларнинг қуйидаги аралаш турлари аниқланди: **лонгрид** – ушбу жанр тури ўзининг мураккаб тузилмасига эга бўлиб, бир неча кичик ички боблар йиғиндисидан ташкил топган улкан матн, видео, аудио материаллар бирикмасидир; **инфографика** – маълумотларни тақдим этишнинг график, чизмали услуби бўлиб, бутун бир мақола ёки катта ҳажмли матнни тасвирий график элементлар орқали ифодалаш; **таймлайн** – ижодкорга мавзунинг вақт жадвали воситасида турли дастурлар билан бойитиш имконини берувчи тармоқ ресурслари; **сторимэпс** – ҳикоя+харита; яъни ахборот ёки воқеликни харита ёрдамида аниқ элементлар, жой номлари ва географик координатлар билан бойитиб тасвирлашнинг ўзига хос усули.

Тармоқ ахборот йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш, шунингдек, сақлаш вазифаларини умум нуқтада бирлаштириб, горизонтал ҳамда вертикал усулдаги маълумотларнинг айланма ҳаракати йўлга қўйилди. Бу аудиториянинг ҳам ахборот олиши билан бир вақтда ўз маълумотлари билан ўртоқлашиш имкониятини беради.

Тармоқда жанрлар, хусусан, ахборот жанрлари трансформацияси, шубҳасиз, мавжуд жараённинг давомий тенденциясидир. Анъанавий ОАВда қўлланилган барча жанр турлари интернетнинг интерактивлик, гиперматнлилик, онлайн мулоқот каби турли хусусиятлари таъсирида янада мукамаллашиб, ўқувчилар орасидаги энг оммабоп ҳамда долзарб тур сифатида медиаплатформаларнинг асосий маҳсулотига айланди.

Диссертациянинг “**Конвергенция шароитида онлайн журналист фаолияти: универсализм ва транспрофессионализм**” деб номланган учинчи бобида аудиторияни жалб этиш усуллари ва психологик омилларига кенг урғу берилган. Шунингдек, онлайн журналист медиа компетенцияси, интернет журналист ижодини контент таҳлиллаш, тақдим этилган ахборотларни аудиторияга таъсири ва кўламини медиаметрик ўрганиш усуллари тақлиф қилинган.

Журналистиканинг синтетик табиати шахс руҳиятига назар солиб, ундаги ташқи ва ички омилларни ўрганиб чиқишни тақозо этади. Соҳа ходимларининг ахборот воситасида жамият қатламларига таъсир эта олиши ижтимоий ҳодиса сифатида бир нечта компонент орқали ривож топади. Шу боис, журналистика соҳасининг асосий туганмас ўрганиш объекти ва маълумотлар манбаи– бу инсон руҳиятидир. Яъни ахборот етказишда жамият эҳтиёжлари, манфаатлари, қизиқишлари билан бир каторда, унинг психологияси ҳам ҳисобга олинишини англалади.

Интернет майдонидаги оммавий коммуникативлик ҳодисаси туфайли ахборот камровининг психологик таъсири очик ва ёпиқ шаклда кенгайиб

Ахборот → Шахс → Жамият = Умумий натижа бирлиги → Ахборот

бормоқда.

Уларнинг бир-биридан фарқи очик шаклдаги ахборотлар мазмунан ҳамда шаклан аниқ қандайдир мақсадга йўналтирилганини билиш мумкин; ёпиқ турида эса маълумот бошқа бир мазмунда бўлиб, ғоявий жиҳатдан тамомила ўзга мақсадга хизмат қилади.

Медиаконвергенция шароитида аудитория ахборотни қабул қилишнинг анъанавий тартибини тарғиб қилиш шаклидан – эътиборни жалб қилиш моделига айланди. Бунда ахборот тарқатувчи ва қабул қилувчи нуқталарнинг “ўзаро ҳамкорлик” модели замин яратди. Эндиликда ОАВ ходимлари жамият қатлами билан ҳамнафас фаолият олиб бормоқда. Кундан кунга ҳажми ва сони ошиб бораётган онлайн нашрлар, сайтлар ва блогерлик фаолияти бунинг исботидир. Ўзбекистонда амалда мавжуд веб-сайтлар сонининг йиллар бўйича ўсиш кўрсаткичи қуйидагича (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Йиллар	2015	2016	2017	2018	01.12.2019	01.01.2020
Веб-сайтлар сони	315	362	395	450	495	513

Юқоридаги жадвалда давлат томонидан расман тасдиқланиб, иш олиб бораётган сайтлар шкаласи акс эттирилган. Унда сайтларнинг сон жиҳатдан кескин ўсганини кузатиш мумкин. Халқаро тармоқнинг ўртача кунлик аудиторияси 2020 йил ҳолатига кўра 5,11 миллиардни ташкил қилган. Бу ўтган йилги 2019 йил 1 январь ҳолатидан 2% кўпроқ; ижтимоий тармоқларда умумий 3,48 миллиард фойдаланувчи бўлиб, ушбу кўрсаткич 2020 йил ҳолатида 288 миллионга ўсганини кузатишимиз мумкин⁹. яъни бутун дунё аҳолиси 7,7 миллиардни ташкил қилса, шундан 5, 11 миллиарди халқаро тармоқда онлайн ахборот фойдаланувчисидир. 2000 йилда ҳар бир индивид ўртача 11 соат вақтини телевизор кўришга сарфлаган бўлса, бугунги 2020 йилда унинг ўрнини интернет тармоғи эгаллади. Эндиликда, ҳар бир

⁹ URL: <http://www.wearesocial.com> сайти

истеъмолчининг кундалик интернетдан фойдаланиши 21 соатни ташкил қилмоқда¹⁰. Шу боис тармокнинг улкан аудиториясига эга бўлиш ва унинг эътиборини қозониш мақсадида ОАВ ўзининг электрон онлайн форматини йўлга қўймоқда. Ушбу тенденцияга кўра, турли оммавий ахборот воситалар конвергенцияси омманинг барча сегменти учун мос, интеграциялашган янги контентдаги ахборот маҳсулотлари ишлаб чиқилмоқда. Телевизион давр ахборот маҳсулотлари инфотейнмент (information+entertainment), интернет халқаро тармоғи эдьютейнмент (education+entertainment), индивидуал ахборотлар эса инфоториал (information+editorial) йўналишлари шулар жумласидан¹¹. Аудиторияни ўрганишда улардан олинган маълумотлар концепцияси (шарҳ, кузатув, чат суҳбатлари)ни таҳлил қилиш, ўқувчининг янгиликларга бўлган таъсирини кузатиш, психологик усуллардан фойдаланган ҳолда томошабин талаблари методларини ишлаб чиқиш, муштарийлар тури ва бўлиниш концепциясини ўрганишни талаб этади. Рақобатда аудитория тури ва таснифига кўра, фаолият олиб боровчи мутахассислар ғолиб бўлади. Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, ОАВдан фойдаланиш коэффициенти кўрсаткичига кўра натижалар қуйидагича (2 -жадвалга қarang):

2-жадвал

ОАВ тури	01.01.2018	01.06.2019	25.05.2020
Телевидение	87%	75%	61%
Радио	18%	19%	13%
Мағбуот (газета, журналлар)	26%	21%	22%
Интернет (ахборот сайтлари)	44%	71%	89%
Умумий фойдаланиш	18%	12%	24%

Юқорида тақдим қилинган натижаларга кўра, интернет майдонидаги ахборотдан фойдаланиш миқдори йил сайин ўсиб борганини кузатишимиз мумкин. *(Ушбу сўровнома ижтимоий тармоқларда ўтказилган онлайн мониторинг ва шахсий кузатувлар асосида белгиланди).*

Юртимизда ОАВ сифатида рўйхатдан ўтиб, онлайн нашр сифатида фаолият олиб бораётган энг оммавий сайтлар қуйидагилар: Kun.uz (350000 фойдаланувчи), Daryo.uz (300000 фойдаланувчи), Uza.uz (295000 фойдаланувчи), Uz24.uz (290000 фойдаланувчи), Gazeta.uz (260000 фойдаланувчи), Championat.asia (200000 фойдаланувчи), Qalampir.uz (185000

¹⁰ Конвергентная журналистика: профессиональная культура субъектов информационной деятельности. Олешко В. М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. – Екатеринбург :Изд-во Урал. ун-та, 2015. – С. 10-128.

¹¹ Машкова Г. Интернет-журналистика: учебное пособие. – Тамбов: Изд-во тамб. гос. техн. Ун. 2006. – С. 6-80

фойдаланувчи), Darakchi.uz, Asr.uz, Xz.uz (150000 фойдаланувчи)ларни мисол сифатида келтириш мумкин¹².

Омма орасида катта қизиқишларга сабаб бўлаётган янгиликларнинг асосий мавзуси нима? (3-жадвалга қаранг)

3-жадвал

Мавзу номи	ОАВ тури	Фоиз кўрсаткичлари
Халқаро алоқалар ва ташқи сиёсат	Интернет, ТВ	68%
Ижтимоий муаммолар (маҳаллий)	Интернет, ТВ	71%
Сиёсий муаммолар	Интернет, Матбуот, ТВ	86%
Иқтисодий муаммолар	ТВ	27%
Табиий офат	Интернет	81%
Жиноят олами	Интернет, ТВ	63%
Кўнгилочар мавзудаги (оила, болалар)	Интернет, ТВ, Радио	79%
Тиббиёт мавзуси (умумий ахборот, махсус тиббий мониторинг кўрсаткичлари)	Тв, Интернет	91%

Юқоридаги жадвалда аҳоли орасида энг кўп қизиқиш уйғотадиган мавзулар ва уларнинг фоиз кўрсаткичи тақдим қилинган. Масалан, 100 фоизлик кўрсаткичдан 68 фоизи аҳоли халқаро алоқалар ва ташқи сиёсатни айнан интернет воситасидан кузатиб боришини таъкидлайди. Дунёда рўй берган турли ўзгаришлар туфайли 2020 йил май ҳолатига кўра, аҳоли ўртасида тиббий маълумотларга қизиқувчилар сони кескин ортган.

Аудиториянинг энг кўп қизиқишига сабаб бўлаётган контент таркиби: интерактив матн, видео, фотосурат; графика-инфографика, интерактив фотографика ва видео анимация; таймлайн; мониторинг – овоз бериш, сўровномалар, викторина саволлари ва трансляция жараёни – матн, аудиоподкаст, видео, фото.

Технологик кашфиётлар трансформацияси туфайли юзага келган конвергент ҳолат – журналистиканинг мавжуд жараёнда профессионал фаолият юритадиган универсал ходимга бўлган заруратини келтириб чиқарди. Ушбу давр талаби – анъанавий ҳам замонавий йўналишда қалам тебратиши, рақамли платформаларда ўзининг контент ғояларини трансплантация қила оладиган транспрофессонал журналистни назарда тутмоқда. Конвергенция натижасида соҳанинг универсаллашуви битта шахсда бир неча касбнинг профессионал даражадаги фаолияти кузатилса, дивергенция ҳолатига кўра, ахборотни мукамал шаклда тақдим этиш учун биргина журналистика соҳасининг бир неча йўналишларга бўлиниши назарда тутилади. Мукамал контент таъминоти касбий маҳорат қобилиятларининг ўзаро симбиоз бирлашган шаклида юзага келади. Шу боисдан аудитория психологиясини

¹² Google Analytics мониторинг маълумотларидан фойдаланилди.

Ўрганиш ва контент унумдорлигини медиаметрик усуллар асосида такомиллаштириш мақсадида қуйидаги баҳолаш намунаси ишлаб чиқилди (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал

Умумий таснифи	Социологик тадқиқи	ОАВ (ТВ, радио, матбуот)	Журналистика	Интернет
Мутахассислик	Социолог, сиёсатшунос назариётчилар	ОАВ ходимлари	Репортёр, ёзувчи ҳамда ҳаваскорлар гуруҳи	Интернет журналистлари ҳамда назариётчилари
Критериялар	Илмий меъёрлар ишлаб чиқиш	Рақобатбардошлиликни юксалтириш	Ижодий ёндашув ва йўналишни аниқлаш	Янги ғоялар ишлаб чиқиш
Жамият қатлами	Барча жамият аъзоларига нисбат	Умумий аудитория	Умумий аудитория	Обуначилар, умумий аудитория, тармоқ ўқувчилари
Мақсад	Ижтимоий-сиёсий баҳо бериш	Таъсир қамровини кенгайтириш	Ўқувчилар кўламини ошириш	Обуначилар, ўқувчилар таъсир доирасини кенгайтириш
Молиявий самарадорлик кўлами	Нисбий баҳолаш	Умумий молиявий аҳволни яхшилаш	Янги капитал турларини жалб қилиш	Молиявий турғунлик
Кузатиладиган камчиликлар	Ижтимоий-сиёсий босим	Молиявий-сиёсий босим	Цензорлар ҳамда молиявий босим	Медиакомпетентликнинг етишмаслиги
Тузатиш механизми	Илмий меъёрларга таяниш	Янги йўналишлар ишлаб чиқиш	Янги йўналишлар ишлаб чиқиш	Жамоавий муҳокамадан фойдаланиш

Медиаметрик ўлчовлар жиҳатидан журналистнинг ижодий потенциали, интернет аудиторияси, рейтинг кўрсаткичлари, баҳолаш қиймати, фойдаланиш индекси, веб-сайтлар трафиғи, қидирув хусусиятлари, мониторинг, сўровнома, интерактив шарҳлар, кузатувлар, пиплметр кўрсаткичлари, ижтимоий савол-жавоблар, жонли интервью, умумий хусусият элементлари, йўналиш критерияларининг бари баҳолов стратегиясини ишлаб чиқиш, конвергенция шароитида мутахассиснинг умумий контент унумдорлигини такомиллаштириши аниқланди.

ХУЛОСА

Сўнги йилларда амалга оширилган техник кашфиётларнинг жорий қилиниши барча соҳаларда эволюцион янги ривожланиш босқичига сабаб бўлди. Жумладан, журналистика соҳасида юзага келган оммавий ахборот воситаларининг конвергенцияси амалда мавжуд форматлар ва жанрларнинг ўзаро бирлашиб, интегратив фаолият юритиши, яъни яхлит мультимедиавий контентига замин яратди. Замонавий журналистиканинг ижодий фаолияти тубдан ўзгарди. Анъанавий ахборотни йиғиш ва тарқатиш усули кўпроқ тарғиб қилиш ва эътиборни жалб қилиш моделига ўзгарди. Бир қанча вазифаларни жамловчи медиаплатформалардаги ОАВ интеграцияси маълумотларни формат, жанр ва турли мукамал дастурларда тақдим қилиш имкониятини яратди. Яъни медиамаҳсулотларнинг таркибий интенцияси ўзгарди; битта онлайн нашр доирасида турли шакл ва форматлар (матн, видео, аудио, фото)нинг умумконтентдаги яхлитлигига эришилди. Шундан келиб чиқиб, мазкур йўналишда фаолият юритувчи ОАВнинг онлайн форматдаги тармоқ журналистикаси самарали истиқболга эга дейиш мумкин. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон ва хорижий сайтларнинг қиёсий таҳлили, мультимедиавий жанрлари ва трансформацияси, онлайн журналист медиа компетенцияси, контент таҳлил ҳамда медиаметрия масалалари, аудиториянинг психологик омиллари ўрганилиши натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

биринчидан, медиаконвергенция– кўптармоқли мураккаб феномен сифатида ривожланиш жараёнининг ноёб илмий ходисасидир. ОАВнинг онлайн нашрлардаги турли дастур, формат, жанр ва йўналишлар яхлитлигини мавжуд жараённинг натижаси дейиш мумкин. Анъанавий ахборот воситаларининг умумий бириктирилган нуктаси сифатида онлайн нашрлар фаолияти мазкур жараён тенденцияси сифатида намоён бўлмоқда;

